

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
267–СОНЛИ
МАЖЛИСИ ҚАРОРЛАРИ

28 март 2018 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Раис проф. Акилов Х.А.

Котиба – доц. Гулямова М.К.

Кенгаш аъзолари – 67 кишидан 64 киши

Кун тартиби

- 1. Навруз-умумхалк байрами. ТВМОИ хотин кизлар кумитаси раиси, т.ф.д. Искандарова Г.Т.**
- 2. Хирургия факультетида олиб борилган укув, педагогик, маърифий, илмий ишлар хақида декан ҳисоботи. Кариев С.С.**
- 3. Хавфли усмаларнинг бирламчи ташхиси масалалари. Проф.Гафур-Ахунов М.А.**
- 4. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги "Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш хақида"ги 195-сон қарори тўғрисида. Илмий педагогик кадрлар тайерлаш ва фан сектори бошлиги Шофайзиева Х.У.**

Олимлар кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни чуқур муҳокама қилиб. Куйидаги қарорлар қабул қилдилар:

Олимлар кенгашининг қарори: Декан ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

Хирургия факультети деканининг ҳисоботи буйича қабул қилинган қарорлар :

1. Кафедраларда чет эл ҳамкорлар билан меморандумлар тузиш ва чет эл клиникаларида профессор уқитувчиларни стажировкаларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
2. Чет эл мутахассилари билан ҳамкорликдаги тадқиқотларни ташкиллаштириш ва улар асосида чет эл нуфузли

- журналларида маколаларни чоп этишни ишларини жонлантириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
3. Кафедраларда яратилган республика врачларининг электрон базаларини тартибга солиш ва циклларда ўқишга шифокорларни келишини олдиндан режалаштириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
 4. Вилоят ССББ бош мутахассислари билан алоқаларни кучайтирилсин.
 5. Қисқа муддатли маҳорат сабоқлари тарзида (тасдиқланган ўқув дастурлари асосида) сайёр циклларни тайёрлансин.
 6. УзР ССВ 2012 йил 15 июнда 172 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Нозологик даволаш-диагностика Стандартлари» га асосланган ва бу хужжатни амалиётга тадбиқ қилишга мулжалланган циклларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
 7. Ёш кафедра ходимлари учун институт ютуқлари ва етакчи профессор уқитувчилари тажрибасини ургатувчи циклларни ташкиллаштириш. Ёш кадрларни институт амалий ва педагогик ҳаётига кенг жалб этиш лозим.
 8. Хусусий секторда фаолият курсатувчи врачлар учун ҳаридоргир малака ошириш циклларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
- Масъул: Кафедра мудирлари ва бошқа мутасадди ходимлар.
Назорат: Факультет декани , ўқув, ва илмий бўлими.
Муддати: Ўқув йили давомида.

Гафур Ахуновнинг Хавфли усмаларнинг бирламчи ташхиси масалалари буйича маъруза юзасидан:

Олимлар Кенгашининг Қарори: М.А. Гафур Ахуновнинг юқоридаги маърузаси эътибор учун қабул қилинсин.

Онкология кафедраси қошида бошқа тор мутахассислар билан биргаликда интеграцион цикллар ташкил этилсин, бу ишнинг назорати проректор Касимова М.С га юклатилсин.

Турли масалалар:

Диссертация мавзусини тасдиклаш:

Олимлар кенгаши қарори: Мустақил изланувчи Атабекова Ш.Р.нинг "Постдиарейные состояния у детей" 14.00.10-юқумли касалликлар ихтисослиги бўйича фалсафа доктори РНД илмий даражасини олиш учун диссертация мавзуси ва шахсий иш режаси тасдиқлансин. Илмий рахбар: проф.Ибадова Г.А.тайинлансин.

Олимлар кенгашига МТУК такдим этилган барча хужжатлар тасдиқлансин.

Олимлар кенгашининг раиси,

Илмий котиба

проф.Х.А.Акилов

доцент Гулямова М.К.